

# КАРТАДА ЙЎЛ ТРАССАСИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Режа:

1. Трасса хакида тушунча.
2. Трассани пикетларга бўлиш
3. Йўл трассаси вариантларининг асосий техникавий, иқтисодий кўрсаткичлари ва уларни солиштииш.
4. Атроф муҳит муҳофазаси.

- Кидирув ишларида, йўл қуриладиган жойда унинг ўрта чизиғи (уқи) белгиланади. **Бу йул трассаси деб аталади.** Йўл трассаси ўз йўналишини ҳам горизонтал ҳам вертикал текисликларда ўзгартирувчи синиқ чизиқлар ҳисобланади. Берилган икки пункт орасидаги йул трассасини одатда энг киска масофа билан утказишга ҳаракат қилинади. Икки пункт орасидаги энг киска йул трассаси тугри чизик ҳисобланади. Бу **фазо чизиги деб** юритилади. Лекин ҳаётда, яъни жойда, йул трассасида кўп тусиклар (канал, дарё, кул, жарликлар, темир йуллар, жойнинг рельефи ва бошқалар) учраганлиги сабабли тугри йул куриб булмайди. Шунинг учун йул трассаси жойда тугри ва эгри кесмалардан иборат булади.
- Йулнинг йуналиши ўзгарганда бурилиш бурчаги ҳосил булади.
- Йўлнинг бурилиш бурчаги деб трасса чизиғининг давоми билан трассанинг янги йуналиши орасидаги бурчакка айтилади.

Транспортнинг текис ва берилган тезликда ҳаракат қилиши учун бурилиш бурчагининг ички томонидан йулнинг эгриси чизилади. Лекин трасса йуналишининг тез-тез узгариш узига хос камчиликларга эга:

- **Биринчидан** , эгри трасса тугри трассадан узун булади.
- **Иккинчидан**, эгри трассада кулай ва хавфсиз катнаш камаяди ва хайдовчининг қуриш қобилияти (урмонда, қишлоқларда баланд паст в.х. жойларда ) пасаяди.

Харитадаги берилган икки пункт орасидаги йулнинг трассасини аниқлашда ва утказишда қуйидаги ишлар бажарилади:

1. Берилган А ва Б пунктларни тугри (фазо чизиги) қизил қизик билан бирлаштирилади.
2. Фазо чизиги йулидаги ҳамма тусиклар (урмон, қул, дарё, ботқоқлик, жарликлар, экинзорлар, автомобиль ва темир йуллар, қишлоқлар қатта нишаблиги бор баланд-пастлар ва хоқозолар) ўрганилади.
3. Фазо чизиги йулида учраган тусиклардан утиш ёки айланиб утиш томонлари белгиланади.
4. Фазо чизигидан кам узоклашган ҳолда трассани синик қизиклар ҳолда белгилаб чизилади. Бурилиш бурчаги оддий транспортирда улчанади ва бурчак сони тагига, унинг қиймати ёзилади.

- Эгрининг радиусини каттарок олган маъкул, чунки йулдан фойдаланиш кулай булади (махаллий йулларда  $R = 300+600$ ). Агар трасса экинзорлардан ёки уларга якин учса радиусни кичикрок олган маъкул. Йул трассасини утказишда жойнинг рельефи катта ахамиятга эга. Рельф текис баланд-паст ва тогли булиб, учга булинади. Баланд - паст рельефга, адир, адирга уланган текислик, чукур-чукур жарликлар тармоги в.х. кирса, тогли рельеф, баланд тог чуққилари, тог ёнбагирлари катта кияликлар, жарликлардан иборат.
- Баланд-паст жойлардан йул трассасини утказганда айрим жойларда (участкаларда) буйлама нишаблик меъёридан катта булади. Шундай вақтда йулнинг буйлама нишаблигини ишлаб чиқилган техник меъёрлар буйича лойихалаш лозим. Лекин бу холда трассани узайтиришга мажбур буламиз.

## 2. ТРАССАНИ ПИКЕТЛАРГА БУЛИШ.

- Трассани пикетларга булишдаги мақсад унинг ҳамма пунктлари ҳолати, кутарилишлари, масофалари аникланади.
- Эгрининг радиуси жадвалдан аниклангандан сунг, бурилиш бурчагини оддий транспортда харитадан улчанади. Шундан сунг, эгрининг қолган элементлар қиймати формула билан топилади. Пикетлар сони бошлангич то бурчак учигача қуйилади. Шундан сунг бурчак учи пикетлар қийматидан тангенс узунлигини айирса эгри бошланишининг пикетлар қиймати топилади. Агар эгри бошланиши пикетлар қийматига эгрининг узунлиги қушилса, эгри охирининг пикетлар қиймати аникланади.

Хисобларнинг тугрилигининг текшириш учун бурчак учи пикетлар кийматига тангенс узунлигини кушиб, домер киймати айрилади.

- Мисол:
- Пикетлар кийматининг езилиш тартиби:
- 9+80.0 --- Бу /Бурчак учи/
- 0+66.0 --- Т /Тангенс/
- 9+14.0 ---Эб /Эгрининг бошланиши/
- 0+25.6 ---Э /Эгрининг узунлиги/
- 10+39.6 ---Эо /Эгрининг охири/
- Текшириш
- ГК 9+80,0 --- Бу
- 0+66,0 ---Т
- ГК10+46,0 ---
- 0+06,4 ---Д
- ГК10+39.6 ---Эо

# ЙУЛ ТРАССАСИ ВАРИАНТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТЕХНИКАВИЙ - ИҚТИСОДИЙ КУРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ СОЛИШТИРИШ

- Йул трассасини аниқлашда мулжалланган бир неча вариантлардан энг қулай вариантини ёки унинг бирорта қисми қабул қилинади. Вариантларни солиштирганда қуйидаги курсаткичлар ҳисобга олинади;
- - ишлаб чиқариш ва аҳолининг маданий-маиший хизмат курсатишдаги талабларига транспорт алоқасининг тулик жавоб бериш;
- - йул қурилишидаги асосий ишлар ҳажми;
- - йул трассасидаги эгри участкалар, тусиклар (темир ва автомобил йуллари, кишлоклар в.х.);
- - сарфланадиган умумий харажатлар;
- - йул трассаси узунлиги, бурилиш бурчаклари сони (қайси вариантда йул трассаси узунлиги қиска бўлса ва бурилиш бурчаги кам бўлса, шу вариант яхши ҳисобланади);
- - бурилиш бурчагининг қиймати, уртача бурилиш бурчаги қийматидан кичик бўлган вариант яхши ҳисобланади.

## 4. АТРОФ МУҲИТ МУХОФАЗАСИ

- Янги автомобиль йулларини куриш эскиларни таъмирлаш лойихаларига мувофик атроф мухитга таъсирини баҳолаш (ОВОС) муолажаси ўтказилгандан сунг бажарилиши зарур.
- I ва II даражали автомобиль йуллари (автомагистраллар ва тез юрар йуллар) курилишида ОВОС тулик хажмда амалга оширилади. Колган даражали йуллар учун эса атроф-мухитга таъсир хакида баёотномани тасдиклаш жараёнида Давлат табиат кумитаси томонидан лойихада экологик ишларни кузатиш шакли ва хажми белгиланади. Йул атрофдаги табиий ландшафтга органик уйғунлашиб кетиши зарур.
- I ва II даражали автомобиль йуллари ахоли яшайдиган жойларни айланиб утиши ва бунда ҳавони ифлосланиши нуктаи назаридан йилнинг энг ёмон даврида шамолнинг устивор йуналишини хисобга олиш керак. Автомобиль двигателларидан чиқаётган чикинди газларнинг камайишига эришиш мақсадида, III ва IV даражали йуллар (шунингдек ахоли яшайдиган жойлардаги йуллар) оптимал тезликдаги транспорт окими харакатини яхши ташкил этиш имкониятини яратиш нуктаи назаридан келиб чикиб хисоб-китоб килиниши ва курилиши керак.



# Эътиборингиз учун рахмат

